



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

3 ЖИЛД, 7 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 3, НОМЕР 7

LOOK TO THE PAST

VOLUME 3, ISSUE 7



ТОШКЕНТ-2020

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети

"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Кебадзе Мадонна

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Бурдиашвили Майя

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Кожакеева Ляззат Темировна

*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети, Қозоғистон Республикаси*

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети*

Бобожонова Дилором Бобожонова

*тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети*

Зияева Доно Хамидовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Аширов Адхам Азимбаевич

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Агзамова Гулчеҳра Азизовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна

*тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти*

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна

*тарих фанлари номзоди, доцент. Ўзбекистон
давлат жаҳон тиллари университети*

Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна

*Тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети*

Ғофоров Шокир Сафарович

*тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат тиббиёт институти*

Эргашева Юлдуз Алимовна

*Тарих фанлари доктори, профессор
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт институти*

Теймураз Ахалмосулишвили

*профессор, Телавский государственный
университет, Грузия*

Халикова Рахбар Эргашевна

*тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б.,
Ўзбекистон Миллий университети*

Кобзева Ольга Петровна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б.,
Ўзбекистон Миллий университети*

Одилов Аброр Анварович

*тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети*

Ерметов Аваз Абдуллаевич

*тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети*

Саипова Камола Давляталиевна

*тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети*

Джоробекова Айнур Эшимбековна

*тарих фанлари номзоди, профессор,
Ташиқи ишлар вазирлиги қошидаги Дипломатия
академияси, Қозоғистон Республикаси*

Ғолипов Файзулла Саидович

*тарих фанлари номзоди, доцент
Тошкент давлат техника университети*

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

| | |
|--|----|
| 1. Ўқтамжон Абдуллаев ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ ВИЛОЯТЛАРИДАГИ УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ПЕДАГОГ КАДРЛАР МУАММОСИ (1991-2010 ЙИЛЛАР)..... | 4 |
| 2. Собир Абдуназаров ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ..... | 10 |
| 3. Валишер Абиров, Исмоиддин Мамаюсупов ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭТНИК ҚАТЛАМЛАРИГА ДОИР..... | 22 |
| 4. Акмал Базарбаев ТУРКИСТОНДА МУСТАМЛАКА МАЪМУРИЯТИНИНГ ЕРГА ДОИР СИЁСАТИ (1867-1900 ЙИЛЛАР)..... | 33 |
| 5. Ойбек Исаев СУРХОН ВОҲАСИГА ОИД ТАЪЛИМ МАСАЛАЛАРИНИНГ АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРИДА ЁРИТИЛИШИ (1920-1930й)..... | 40 |
| 6. Гулмира Каттаева ЛЯПИС–ЛАЗУРИТ МАНЗИЛГОҲЛАРИ ВА УНИНГ ТАРҚАЛИШ ГЕОГРАФИЯСИ..... | 46 |
| 7. Nargiza Karimova ZIRAVORLAR VA MAHSUS TA’M BERUVCHI VOSITALAR SAVDOSINING RIVOJLANISH TARIXI HAQIDA BA’ZI MASALALAR..... | 54 |
| 8. Дадахон Норқўзиёв МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ЭКОЛОГИК МУВОЗАНАТНИНГ ҲОЛАТИ ВА УНИНГ АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИГА ТАЪСИРИ..... | 60 |
| 9. Мафтуна Рўзикулова МАРКАЗИЙ ФАРҒОНАДА СУҒОРИШ ИНШООТЛАРИ ВА ДАВЛАТ ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ТАРИХИ (XX АСРНИНГ 50-70-ЙИЛЛАРИ МИСОЛИДА)..... | 64 |
| 10. Махмуджон Солиев ДУКЧИ ЭШОН ҚЎЗҒОЛОНИ СОВЕТ ТАРИХШУНОСЛИГИДА..... | 72 |
| 11. Наргиза Ҳасанова ОНАЛИК – ЗАМОНАВИЙ ШАРҚ АЁЛИНИНГ УЛКАН МАСЪУЛИЯТИ..... | 76 |
| 12. Махпурат Хуббалиева БУДДА РОҲИБЛАРИНИНГ САЁҲАТНОМАЛАРИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ: VII – VIII АСРЛАР..... | 85 |

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Ўктамжон Шералиевич Абдуллаев,
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт
институти мустақил изланувчиси

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ ВИЛОЯТЛАРИДАГИ УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ПЕДАГОГ КАДРЛАР МУАММОСИ (1991-2010 ЙИЛЛАР)

For citation: Uktam Sheraliyevich Abdullayev, THE PROBLEM OF TEACHING STAFF IN GENERAL SECONDARY EDUCATION IN THE SOUTHERN REGIONS OF UZBEKISTAN (1991-2010). Look to the past. 2020, vol. 7, issue 3, pp.4-9



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-7-1>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада таълим тизимидаги ислохотлар, маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб бера оладиган юқори малакали педагог кадрлар тайёрлаш тизими, мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида умумтаълим мактабларини турли фанлар бўйича малакали педагог кадрлар билан таъминлаш юзасидан амалга оширилган чора-тадбирлар кейинги йилларда соҳага оид қабул қилинган ҳужжатлар ҳақидаги маълумотлар баён қилинади.

Калит сўзлар: Таълим, муассасаса ўқитувчи, педагог кадрлар, мактаб, танлов, муаммо, кадрлар сиёсати, рағбат

Уктам Шералиевич Абдуллаев,
Независимый научный сотрудник
Каршинского инженерно-экономического
института

ПРОБЛЕМА ПОДГОТОВКИ КАДРОВ В ОБЩЕОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЯХ ЮЖНЫХ РЕГИОНОВ УЗБЕКИСТАНА (1991-2010 гг.)

АННОТАЦИЯ

В данной статье описываются реформы в системе образования, в системе подготовки высококвалифицированных педагогических кадров, способов удовлетворить духовные и моральные требования, а также приводятся сведения о принятых мерах за годы независимости для обеспечения средних школ в южных регионах Узбекистана преподавательским составом по различным дисциплинам.

Ключевые слова: образование, учреждение, учитель, педагогические кадры, школа, конкурс, проблема, политика кадров, поощрение.

Uktam Sheraliyevich Abdullayev,
Independent researcher
of Karshi engineering-economics institute

THE PROBLEM OF TEACHING STAFF IN GENERAL SECONDARY EDUCATION IN THE SOUTHERN REGIONS OF UZBEKISTAN (1991-2010)

ABSTRACT

This article describes the reforms in the education system, the system of training highly qualified teachers who can meet the spiritual and moral requirements, the measures taken during the years of independence to provide secondary schools in the southern regions of Uzbekistan with teachers in various disciplines, the data are described.

Index Terms: education, teacher, teaching staff, school, competition, problem, personnel policy, incentive

1. Долзарблиги:

Таълим Ўзбекистон халқи маънавиятига яратувчилик фаолиятини бахш этади. Ўсиб келаётган авлоднинг барча энг яхши имкониятлари унда намоён бўлади, касб-кори, маҳорати узлуксиз такомиллашади, катта авлоднинг доно тажрибаси англаб олинади ва ёш авлодга ўтади. Келажагимиз таянчи бўлмиш – ёшлар ҳақида қайғурмаслик мумкин эмас. Бу аввало, таълим ва тарбияга боғлиқ. Мустақил Ўзбекистон иқтисодий, ижтимоий-сиёсий муаммоларининг ечими таълим-тарбия жараёни, жумладан кадрлар сиёсати билан ўзаро чамбарчасдир. Мамлакатимизнинг бугунги тараққиёти фуқароларимизда юртимизнинг иқтисодий ва маънавий ривожини учун онгли равишда фаол иштирок этишга ундовчи билим, ижтимоий ва маънавий сифатларнинг шаклланишини тақозо этади. Бошқача айтганда, бу тараққиёт давлатимиз ва миллатимиз келажаги бўлган ёшларимизнинг интеллектуал, маънавий имкониятларининг юксак даражада юзага чиқишини, ривожини таъминловчи таълим тизимини ярата олишимиз билан боғлиқ.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси: Тарихий-қиёсий ҳамда умумлаштирма таҳлиллар асосида хулоса бериш, холислик, илмийлик, тарихий ёндошув, тизимлаштириш тадқиқотнинг методологик асосини ташкил қилади.

3. Тадқиқот натижалари:

Ўзбекистонда таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёни изчил давом этмоқда. “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифалар таълим-тарбиянинг тубдан ўзгаришига, унинг янги босқичга чиқишига замин яратди. Истиқлолнинг илк йилларидан мамлакат таълим тизимида мавжуд ҳолатнинг таҳлили шундан далолат берар эдики, кадрлар тайёрлаш жараёни республикада амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар ва бозор иқтисодиёти талабларига жавоб бермас эди. Чунончи, XX асрнинг сўнги йилларидан тобора авж олаётган глобаллашув жараёни ривожланиш йўлидан бораётган Ўзбекистон каби ёш давлат олдида жиддий муаммоларни қўйди. Ушбу муаммолар, биринчи навбатда, мамлакат интеллектуал салоҳиятининг шаклланиши, яъни таълим тизими ва малакали педагогик кадрлар тайёрлаш тизимининг ўзгариши билан боғлиқ эди. Шунинг учун ҳам мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб таълим соҳасига, Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиётида ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланган юқори малакали кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор берилди.

Таълим тизимидаги ислохотлар янгича тафаккурга эга педагог кадрлар тайёрлаш ва мутлақо янгича кадрлар сиёсатини ишлаб чиқиши тақозо қила бошлади. Таълим муассасаларидаги ўқитувчи кадрларнинг ҳар бири ўз мутахассислиги бўйича ҳозирги замон талабларига мос равишда фаолият юритишлари давр талабига айланди. Шунингдек, таълим

тизимининг барча босқичларини асосан олий маълумотли мутахассислар билан таъминлаш давлат сиёсатининг диққат эътиборидаги масалаларидан бирига айланди.

Эртанги кун янгича, соғлом фикрлайдиган, эл-юрт учун фидоий, замонавий билимларга эга бўлиш баробарида, юқори малакали, юрт ғамини ўз ғами деб биладиган ўқитувчилар томонидан қўлланилаётган таълим технологияларининг ранг-баранглиги, узлуксиз таълимнинг барча турларига тажриба-синов кенг ёйилиши, малакали, ижодий илмий-педагогик тафаккурга эга бўлган салоҳиятли педагог кадрларга бўлган талабни зарурат даражасига кўтарди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида ҳам умумтаълим мактабларини турли фанлар бўйича ўқитувчи кадрлар билан таъминлаш юзасидан бир қатор чора-тадбирлар олиб борилди. Жумладан, Сурхондарё вилоятида 1991-1992 ўқув йилида жами 18030 нафар олий маълумотли ўқитувчилар фаолият олиб борган бўлса, 2000-2001 ўқув йилида уларнинг сони 22144 нафарга етди [1]. Олий маълумотли ўқитувчилар асосий қисмини 5-11 синф фани ўқитувчилари ташкил этди, уларни фан бўйича тақсимласак, ўзбек тили ва адабиёти, тарих, физика ва математика фани ўқитувчилари кўпчиликни ташкил қилди. Масалан, 2005-2006 ўқув йилида 5-11 синф ўқитувчилари сони жами 18551 нафар бўлса, шундан 3049 нафарини ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчилари, 2556 нафарини математика фани ўқитувчилари ташкил этди[1].

1999 йилда Қашқадарё вилояти Чирокчи туманида 4810 нафардан зиёд педагог кадрлар фаолият олиб борди. Шундан 3320 нафари олий маълумотли бўлиб, умумий ўқитувчилар сонининг 69 фоизини ташкил этди[2].

Қишлоқ туманларида жойлашган умумий ўрта таълим муассасаларини педагог кадрлар билан таъминлаш юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда жамоат ташкилотлари томонидан муайян чора-тадбирлар олиб борилди. Хусусан, 1995 йил 22 декабрда Қашқадарё вилоят халқ таълими бошқармаси билан таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилоят кенгаши ўртасида битим имзоланиб, ҳар икки томоннинг мажбуриятлари бўйича келишиб олинди. Вилоятнинг Баҳористон (ҳозир Миришкор тумани таркибида) тумани мактабларида педагог кадрлар танқислиги бошқа ҳудудларга нисбатан юқори бўлганлиги сабабли халқ таълими бўлими ихтиёрига бир гуруҳ ёш ўқитувчилар йўлланма билан жўнатилиб, уларни турар-жой, томорқа ери билан таъминлаш юзасидан қатъий чоралар белгиланди. Шунингдек, уларнинг иш ҳақларига 50 фоизгача қўшимча устамалар берилди[2]. 1996 йил Қашқадарё вилояти педагог ходимлари ижтимоий суғурта маблағидан қилинган сарф-харажат 14 миллион сўмдан ошиб кетди. 1999-2000 ўқув йилидан бошлаб эса вилоятдаги барча ўрта таълим муассасаларида ўқитувчилар танлов асосида ишга қабул қилинди.

2000 йили Қашқадарё вилояти халқ таълими соҳасига 1225 нафар ўқитувчи ишга қабул қилинди. 2000 йил вилоятдаги 1078 та мактабдан 115 тасини хотин-қиз директорлар бошқарди. Шу йили Қашқадарё вилояти Деҳқонобод туманининг 88 та умумтаълим мактабларида 256 нафар математика, 130 нафар физика ва информатика фани ўқитувчилари фаолият кўрсатди. Қамаш туманининг 84 та умумтаълим мактабларида 174 нафар физика, 314 нафар математика ва 90 нафар информатика фани ўқитувчилари фаолият олиб борди. Аммо Қамаш тумани математика, физика ва информатика фанлари бўйича вилоятда ўтказилган фан олимпиадаларида физика фанидан 10-ўринни, математика фанидан 9-ўринни, информатика фанидан эса 12-ўринни эгаллагани туманда мазкур фанларнинг ўқитилиши талаб даражасида эмаслигини кўрсатди[2].

2001-2002 ўқув йилида Қашқадарё вилояти таълим муассасаларида жами 49173 нафар ўқитувчи фаолият олиб борди. Уларнинг 33848 нафари олий маълумотли (68,8%), 1292 нафари тўлиқсиз олий (2,6%), 14016 нафари ўрта махсус (28,6%). Шу ўқув йилида хорижий тил ўқитувчиларига талаб катта бўлди. Вилоятдаги 1078 та мактабдан 98 тасида мутахассислар бўлмаганлиги сабабли чет тили фани ўқитилмас эди. Умуман шу ўқув йилида вилоят таълим муассасаларига 689 нафар турли фан ўқитувчилари етишмади[2].

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 июлда қабул қилинган “2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 321-сонли қарори эълон қилинди. Мазкур қарорда таълим тизимини малакали кадрлар билан таъминлаш, педагог кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг мукамал шаклини яратиш, ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

2001-2004 йилларда вилоят мактабларига 2045 нафар олий маълумотли педагог мутахассислари ишга қабул қилиниб, уларнинг 215 нафари Ғузор туманига, 297 нафари Косон туманига, Шаҳрисабз тумани мактабларига 170 нафари, Яккабоғ туманига эса 164 нафари ишга жойлаштирилди.

Туман мактабларининг ўқитувчиларга бўлган эҳтиёжи ўрганилганда, Нишон тумани мактабларига 26 нафар, Шаҳрисабз туманига 73 нафар, Деҳқонобод туманига 130 нафар, Чироқчи тумани мактабларига 140 нафар мутахассислар кераклиги маълум бўлди. 2003-2004 ўқув йилида Ўзбекистон умумтаълим тизимида жами 472,1 минг нафар ўқитувчи фаолият олиб борди. 2005-2006 ўқув йилида уларнинг сони 474,8 минг нафарга етди. 2004-2005 ўқув йилида Қашқадарё вилояти мактаблари учун 1 ставка ҳисобидан 1431 нафар ўқитувчига буюртма берилган. Масалан, математика фанидан 133 нафар ўқитувчи, инглиз тили 320, тарих 96, она тили ва адабиёти фанидан 112 нафар ўқитувчига буюртма берилди[3, Б.50].

Ўзбекистонда баъзи йиллари педагогик кадрлар сони кўрсаткичининг пасайиши кўзга ташланади. Республикада 2010-2011 ўқув йилида 419,8 минг нафар педагогик кадр бўлган бўлса, 2014-2015 ўқув йили 390,6 минг нафарни ташкил этди[4]. Умумтаълим мактабларида энг жиддий муаммо олий маълумотли педагоглар танқислиги масаласи бўлди. Масалан, 2004-2005 ўқув йилида Сурхондарё вилоятида жами ўқитувчиларнинг 61,7 фоизини олий маълумотлилар ташкил этган бўлса, 2007-2008 ўқув йилида бу 56,2 га тўғри келди[3,Б.92]. Мактабларда олий маълумотли ўқитувчиларнинг асосий қисмини бошланғич синф ўқитувчилари ташкил қилди.

Замон талабидан келиб чиқиб, хорижий тилларни ўқитадиган педагогик кадрларга эҳтиёж ортиб борди. Чет тили ўқитувчиларининг меҳнатини рағбатлантириш мақсадида бу фан ўқитувчиларининг ойлик тариф ставкаларига қишлоқ жойлардаги таълим муассасаларида 30, бошқа таълим муассасаларида 15 фоизлик қўшимчалар тўлаш йўлга қўйилди.

Ўқитувчиларга бўлган эҳтиёжи инobatга олиниб, педагогик кадрларга буюртмалар берилди. Масалан, 2004-2005 ўқув йилида Қашқадарё вилояти мактаблари учун 1 ставка ҳисобидан 1431 нафар ўқитувчига буюртма берилган. Кадрлар танқислигини янги мутахассисларни ишга қабул қилиш ҳисобига қоплашга ҳаракат қилинди. Масалан, биргина 2001-2004 йилларда Қашқадарё вилояти умумтаълим мактабларига 2045 нафар олий маълумотли педагог ишга қабул қилиниб, улардан 215 нафари Ғузор туманига, 297 нафари Косон туманига, Шаҳрисабз туманига 170 нафари, Яккабоғ туманига 164 нафари ишга жойлаштирилди[2].

Айниқса, республиканинг чекка ҳудудларида педагогик кадрлар етишмади. Кўпинча ёш ўқитувчилар йўлланма билан ишга юборилиб, уларни тура-жой, ер учаскаси билан таъминлаш юзасидан қатъий чора-тадбирлар кўрилди[2].

Умуман Республика умумтаълим тизимида ўз ечимини қутаётган муаммолар жуда кўп эди. Ўқитувчи кадрларнинг жамиятдаги ўрни жуда паст бўлди. Бу эса ўз ўрнида таълим сифатига жиддий таъсир кўрсатди.

Кейинги уч йилда таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги амалга оширилаётган ислохотлар сезиларли даражада кўзга ташланмоқда ҳамда таълим тизимига малакали кадрлар танқислигини бартараф этишга замин ҳозирламоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги “Халқ таълими бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5538-сонли Фармони[5], 2018 йил 5 сентябрдаги “Халқ таълими тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-3931-сонли Қарори[6] ҳамда

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2019 йил 23 август куни халқ таълими тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, халқ таълими ходимларининг бошқарув, касбий ва умумий педагогик маҳоратларини узлуксиз оширилишини ташкил этиш ҳамда халқ таълими вазирининг 2018 йил 29 декабрдаги 334-сонли буйруқлари ижроси таълим-тарбия тизимини бугунги давр нуқтаи назаридан ислох қилиш имкониятини беради. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонида[7] ижтимоий соҳа, хусусан, таълим ва илм-фан соҳасини ривожлантириш, таълим тизимини янада такомиллаштириш мақсадида сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлашни изчил давом эттириш муҳим вазифа этиб белгиланди. 2017-2021 йилларда таълим тизимини тубдан такомиллаштириш дастурини ишлаб чиқиш, ўқув дастурларини янада такомиллаштириш, пуллик хизматлар кўрсатиш ва молиялаштиришнинг қўшимча манбаларини излашда таълим муассасаларининг ваколатларини кенгайтириш йўли билан уларнинг мустақиллигини босқичма-босқич ривожлантириб борилади.

4. Хулосалар:

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш давлат сиёсатининг асосий вазифаларидан бирига айланди. Таълим-тарбия ишини яхшилашнинг асосий шарти сифатида кадрлар сиёсати белгиланди. Шунга мувофиқ, Ўзбекистонда, хусусан Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари таълим муассасаларини ўқитувчи кадрлар билан таъминлаш ишлари яхшиланиб, мутахассислар сони йилдан-йилга ортиб борди. Аммо таълим муассасаларида баъзи ихтисосликлар бўйича кадрлар танқислиги кучли сезилиб турди. Қишлоқ мактабларини чет тили, физика, тарих каби фанлар бўйича ўқитувчилар билан таъминлаш жиддий муаммолардан бири бўлди. Ўқитувчиларни ижтимоий ҳимоялаш юзасидан давлат томонидан қатъий чора-тадбирлар олиб борилиши натижасида иш ҳақлари оширилиб, ўқитувчиларга коммунал тўловлар, уй-жойларни хусусийлаштиришга имтиёзлар белгиланди.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Сурхондарё вилояти статистика бошқармаси жорий архиви.(Текущий архив Сурхандарьинского областного управления статистики/Current archive of Surkhandarya region statistics department)
2. Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси жорий архиви. (Текущий архив управления народного образования Кашкадарьинской области/Current archive of the Department of Public Education of Kashkadarya region)
3. Образование Узбекистана. Статический сборник. –Т., 2008, стр 50, 92.
4. Статистический ежегодник 2015. Ст. Сб.Ташкент.2015. С.85.
5. <https://lex.uz/docs/3893445...> PF-5538-сон 05.09.2018 (Қонун ужатлари маълумотлари миллий базаси/ Национальная база данных законодательства/ National database of the legislation, 06/09.2018 й, 06/18/5538/1840-сон, 13.12.2018 й, 06/18/5597/2300-сон)
6. <https://iex.uz/docs/3893416...> PQ-3931-сон 05.09.2018 (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси/Национальная база данных законодательства/ National database of the legislation, 06.09.2018 й, 07/18/3931/1841-сон, 04.05.2019 й, 07/19/4306/3078-сон, 27.11.2019 й, 07-19/4537/4078-сон)
7. <https://iex.uz/docs/3107036...> ПФ-4947-сон 07.02.2017 (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами/Собрание законодательства Республики Узбекистан/ Collektion of the legislation of the Republic of Uzbekistan, 2017 й, 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда, 23-сон,

448-модда, 37-сон, 982-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси/Национальная база данных законодательства / National database of the legislation, 31.07.2018 й, 06/18/5483/1594-сон; 11.12.2019 й.,06/19/5892/4134-сон).

ЎТМИШГА НАЗАР

3 ЖИЛД, 7 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 3, НОМЕР 7

LOOK TO THE PAST

VOLUME 3, ISSUE 7

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000